



## РЕАЛИСТИК ТАРЖИМА НАЗАРИЯСИНИ ЯРАТИШ ЙЎЛИДА

*Муҳамедов Азизбек Холмурат ўғли,  
ЖизДПИ мустақил тадқиқотчиси*

*Калит сўзлар:* бадиий таржима, филологик ёндашув, реалистик таржима методи, реалистик адабиёт, натуралистик ва импрессионистик таржима, таржима принциплари, классицизм, романтизм.

1960 йиллар иккинчи ярмида таржиманинг лингвистик назарияси доирасида бадиий таржима ва бошқа таржима турлари ўртасидаги муносабатни англашда бир неча тенденция юзага келди. Турли муаллифлар нуктаи назарига кенг тўхталмай, умумий йўсинда шуни айтиш мумкинки, биринчидан, кўпгина тадқиқотчилар таржиманинг барча соҳалари учун умумий, ягона назарий концепция вариантларини ишлаб чиқишда давом этишди (Ж.-П. Вине ва Ж.Дарбельне, Ж.Кэтфорд ва бошқалар; семиотика заминида эса барчадан ҳам аниқроқ ва изчилроқ - А.Людсканов); иккинчидан, таржиманинг барча муаммоларини икки қисмга – бадиий таржима ва нобадий таржима қисмларига ажратиш тенденцияси ҳам кўзга ташланди. Бунда ҳам ҳар хил нуктаи назарлар ўртага ташланди (Р.В.Юмпельт, О.Каде, И.Резвин, В.Розенцвейг ва бошқалар). Ниҳоят, К.Райс ва унинг издошлари тасниф асосига функционал ёндашувни қўйиш таклифи билан чикдилар ва барча таржималарни у ёки бу “матнлар типи”нинг вазифаларига қараб бир неча турларга ажратди.

А. Швейцер орадан бир оз вақт ўтиб қайд этганидек: “сўнги ўн йилликда таржимашунослик ривожига асосий тенденциялардан бири диққат-эътиборнинг тиллараро муносабатлардан матнлараро муносабатларга кўчиб ўтганида кузатилади” [1.25]. Таржима назарияси гуманитар фанларнинг кўплаб соҳаларига кенг кириб борган “матн” (текст) ва “умумматн” (контекст) тушунчаларига қизиқиш кучайган бир вазиятда ривожланди.

Бу назарий концепциялардан ташқарида атиги бир неча тадқиқот мавжуд эди, холос. Бу тадқиқотларда аксар бадиий таржима муаммолари ўрганилар, нобадий таржимага онда-сонда диққат қаратилар, баъзан эса ҳатто умуман эътибор берилмас эди. Айни чоқда, матнлараро муносабатлар фалсафасига ҳам жуда оз қизиқиш билдирилар, яъни “эски” умумфилологик позицияда туриб фикрлашда давом этилар эди. Шу боис ҳам А.Людсканов ўз қарашларини наинки И.Резвин ва В.Розенцвейгнинг ягона “таржима” тушунчасини “таржима” ва “талкин” (“таржима-1” ва “таржима-2”) дея икки тушунчага бўлиш ғоясига қарши курашда, балки, шунингдек, таржимага “анъанавий” маънода ижод, яъни бадиий адабиёт каби сўз санъати, деб қаровчи “адабиётшунослик” нуктаи назарига қарши курашда ҳам ривожлантирди. Бунда у бир неча совет ёзувчи-таржимонлари ва назариётчи олимлари (П.Антокольский, К.Зелинский, К.Чуковский, А.Кундзич, В.Россельс ва бошқалар)нинг қарашларига таянди. Аммо, у ўз тадқиқотларида А.Фёдоров ва яна икки олим – И.Кашкин ҳамда Г.Гочечиладзе номини, гарчи улар юқоридаги ёндашувни концептуал ифодалаган бўлишса-да, номаълум сабабга кўра, тилга олмайди.

Қайд этмоқ жоизки, бадиий таржиманинг “адабиётшунослик” назариясини шакллантириш (шундай назария мустақил яшашга қодирми, деган масалани ҳал этиш ҳам шу сирага киради) осон бўлмади. Бу муаммо, тан олиб айтмоқ жоизки, ҳозирда ҳам қийин бўлиб турибди. Масалан, Ж. Мунэн бадиий таржима спецификасини тўлиқ эътироф этса-да, барибир, ягона назарий концепция зарур,



деб ҳисоблайди. А.Лилова ҳам масалани айнан шу тарзда кўяди. Янаям қизиғи, бадиий таржиманинг алоҳида назарияси бўлиши керак, дегувчилар бу назарияни тубдан фарқли тасаввур этишади [2.152].

Иван Александрович Кашкин ўз қарашларини тизимий баён этмади, чунки у ўзини “назарийчи” эмас, “амалиётчи” деб ҳисоблар, ўз асарларини ҳам амалиётчининг “лаҳтак-лаҳтак қайдлари”, деб аташни ёқтиради. Бунда унинг ёндашуви моҳиятан аниқ ифода топарди. Мазкур ёндашув бадиий таржимани ҳиссиз, қуруқ фанга бериб қўймаслик, аксинча, жонли адабий жараён бағрида кўриш истагидан туғилган эди. Унинг мақола ва нутқларида ўша давр таржимачилик фаолиятига доир анча-мунча хулосаларни кузатиш мумкин. Худди шу жиҳат унга ҳар гал бирор аниқ тажрибага таяниб, назарий хулоса чиқариш учун имкон яратган. Унинг мероси яхлит эмас, узук-юлуқдек таассурот қолдиради, у таклиф этган формулалар баъзан ўзгарган ва аниқлашган, уларда зиддиятлилик мавжуд. И.Кашкиннинг қарашлари 30-йиллар бошида шакллана бошлади. Ўшанда у ўз атрофига европа тилларидан таржима қилувчи бир неча мутаржимларни тўплаган эди. И.Кашкин бу таржимонлар олдига ўз даври учун мутлақо новаторона ва фавқулодда дадил вазифани қўйди. Бу вазифа –таржимага санъат деб, таржима асарга эса миллий адабиёт ҳодисаси, деб қарашдан иборат эди. Таржимон ҳар қандай вазиятда ҳам ўз ўқувчисини ёдда тутмоғи лозим, зеро, у айнан унинг учун таржима қилади. Айни чоқда, таржимон ҳатто энг буюк муаллиф билан ҳам тенг мақомда туриш учун ўзида куч ва маҳорат топа билмоғи зарур.

Бу позиция (у ўша даврда россиялик жуда кўп ёш таржимонлар хоҳиш-иродасини ифодалар эди) мутаржимлик тарихида “илмий-академик” деб ном олган йўналиш билан баҳс-мунозарада шаклланди. “Илмий-академик” йўналиш тарафдорлари, асосан, мумтоз филология мутахассисларидан иборат бўлиб, улар В.Брюсовнинг “Энеида” ва “Фауст”

таржимони сифатида очган йўлини давом эттирар эди. Кашкин ва унинг издошлари “технологик аниқлик” (У.Ланн), “функционал ўхшашлик” (Г.Шенгели) ғояларига қарши кескин ва муросасиз кураш олиб борди. Бунда улар кўпроқ ўз таржимонлик ва муҳаррирлик фаолиятига (Диккенс, Байрон асарлари) таяндилар. Кашкин фикрига кўра, янглиш принциплар номақбул натижага олиб боради. Юзага келган вазиятнинг ўзига хослиги шунда эдики, баҳс-мунозара қилаётган ҳар икки тараф ҳам таржимага жуда катта масъулият билан ёндашар, унга улкан маданий аҳамиятга молик ҳодиса, ўз ҳаётларининг мазмуни деб қарар эди. Мубоҳислардан униси ҳам, буниси ҳам Россияда XX асрнинг биринчи ўн йиллигида таржимачилик савияси ялпи пасайгани, Янги иқтисодий сиёсат йилларида ноширлик соҳасида хаос юзага келиб, ёввойи тижорийлашув авжига чиққанини қаттиқ танқид қилиб, унга қарши қизғин жанг бошлаган эди. Бироқ улар инқироздан чиқиш йўллари бир-биридан фарқли тасаввур этар эди.

Кашкин аслиятга яқинлик таассуротнинг бутунлиги бой берилишига олиб келмаслиги керак, деб таъкидларди. “Сўзма-сўз таржима нутқни эмас, сўзни, услубни эмас, тилни, бутунни эмас, қисмини ўгириб, бадиий асар матнини тўлақонли ифодамайди. Бадиий асар таржимаси бирон-бир лексик белгининг ўзини ва унинг мазкур тилдаги грамматик қобиғини эмас, балки фикр, образ, эмоцияни – шу сўзлар ортида нимаики турган бўлса, шуларнинг бари-барини, барча ифодавий воситаларни, белги ёхуд сўзнинг бутун кўп маънолигини сўзсиз ҳисобга олган ҳолда амалга оширилмоғи лозим” [3. 371]. У икки ёндашув ўртасидаги фарқ-тафовутни қуйидагича ифодалаб берди: ё “муаллиф матнига мутлақ тобе қолиш”, ё “муаллиф матнига содиқ қолган ҳолда “оператив манёвр”дан фойдаланиш” [3. 487].

Бу даврда рус танқидчилигида аслиятга содиқ таржима ғояси энди-энди қайта тиклана бошлаган эди. Бундай таржима рус маданияти учун анъанавий



бўлиб, унга Пушкин ҳам ҳурмат билан қараганди. XIX асрнинг иккинчи ярмидан эса бу тушунчани “аниқ таржима” тушунчаси деярли сиқиб чиқаришга муваффақ бўлди (Кашкин қайдларида икки ифода ҳам учрайди, сабаби – ҳали терминология барқарорлашиб улгурмаган эди). “Аниқлик”ка эришишнинг воситаси сифатида онгли равишда принципал “харфбозлик” (“буквализм”)ни қўллашга келсак, Кашкин бундан қатъиян инкор этди ва фақат экспериментал мақсадлардагина унга мурожаат қилиш мумкин, деб ҳисоблади. Шу муносабат билан у “Баъзи чегаралар доирасида, қандайдир алоҳида вазиятларда ижозат этилувчи эксперимент таржимачилик ва муҳаррирлик фаолиятининг мажбурий принципга айланиши хавфли тус олаётир” [3. 398], деб ёзади. У Диккенснинг кўп жилдлик асарлар тўплами ҳақида фикр юрита туриб, ана шу қарашни илгари суради.

Кашкиннинг 50–60-йилларда чоп этилган мақолалари аввалги йиллардаги фаолиятининг давоми бўлди. Бу мақолаларда илмий, техник ва информацион таржиманинг янги, кенг қамровли соҳаси деярли эсга олинмайди, айна чокда оғзаки синхрон таржима ҳам ҳеч бир жойда зикр этилмайди. Унинг тафаккури бадий таржима соҳасинигина қамраб олади, холос. Кашкин таржиманинг умумий назариясига қарши муросасиз жанг қилди, лингво-стилистикани ҳеч қабул қила олмади. У кенг филологик ёндашувни ҳимоя қилиб бундай деб ёзади: “Лингвистик стилистика хатолардан сақланишга имкон берса ҳам, аммо таржимада ўзига хос қийинчиликларни енгиб ўтишга ва таржимоннинг ижодий муваффақиятини таъминлашга ожизлик қилади. Таржиманинг умумий назарияси ва лингвистик стилистика – умумий, таржима маҳорати эса – хусусий ҳолатлар билан иш кўради” [4. 457].

Кашкин “реалистик адабиёт”, “реалистик санъат”га ўхшаш тушунчаларга ҳамоҳанг “реалистик таржима” тушунчасини истеъмомга олиб кирганлардан бўлди (бу тушунча

кейинчалик илмий истеъмолдан чиқиб кетди). У таржимада реалистик метод ҳақида бундай деб ёзади: “Таржимада реалистик метод масаласини қўйиш бадий таржима назариясини адабиётшунослик йўналиши сифатида ишлаб чиқишга имкон туғдиради. Бу назария адабий таржимани кўр-кўрона лингвистика қонуниятларига бўйсундириб қўймайди, зотан, бундай назария фақат адабиётшунослик қонуниятларига бўйсундирилади ва шундай бўлиши, аслида, шарт ҳисобланади. Таржиманинг лингвистик назарияси зарурат тақозоси билан таҳлил этилаётган икки тил қиёси доирасида чегаралангандир. Бадий таржимага адабиётшунослик ёндашуви эса шундай мезонларни илгари суришга имкон яратадики, бу мезонлар ҳар қандай тилдан ҳар қандай тилга қилинган адабий таржимани, уларни умумий адабий қонуниятларга бўйсундирган ва умумий адабий жараён таркибига киритган ҳолда, умумлаштирилади” [3. 144].

Кашкинни “реализм” атамасидаги таржиманинг “ҳаққонийлиги” ғояси ўзига жалб этди. Бу ғоя орқали у адабиётшуносликнинг бошқа асосий тушунчалари доирасида бадий таржима учун ҳам асос топишга интилди. У мазкур тушунчалар таржима муаммоларига татбиқ этилганда ўз тарихий-адабий қимматини йўқотишини қайта-қайта таъкидлайди. Аниқ мисолларга мурожаат этилса (юқорида айтилганидек, Кашкин илмий-назарий ёндашувдан қочарди), бу қуйидагича қиёфа касб этади: “Масалан, бирор сарлавҳани материал сифатида олиб кўрайлик. Контекстнинг жонли тўқимасига зарар етказишдан ҳайикмаган ҳолда унга ҳар қанча жабр қилиш, уни ҳар қўйга солиш мумкин. Оскар Уайльднинг санъат ҳақида бир асари бор, унинг сарлавҳаси инглиз тилида бундай: “Pen? Pencil and Poison”. Муаллиф узоқ ўйлаб топган бу сарлавҳани нима тутиб турибди? Биринчидан, у Уайльднинг аслида мутлақо хато, аммо бадий қимматли ҳар қандай санъат – перо ҳам, мўйқалам ҳам – оғу, деган қарашини аниқ ифода этади. Шу билан бирга, уни инглизча сарлавҳалар



учун анъанавий ҳисобланмиш аллитерация тутиб турибди: ҳар учала сўз ҳам “п” товуши билан бошланади. Ва ниҳоят, сарлавҳа ритмик жиҳатдан сўзларда бўғинлар сони ортиб боришига асосланган: бир бўғин + икки бўғин + уч бўғин (агар боғловчи ҳам кўшиб ҳисобланса). Энди турли маслак ва услубга мансуб мутаржимлар бу сарлавҳани қандай таржима қилишини хаёлан тасаввур этайлик. Шаклга лоқайд ҳисобдон-эмпирик “Перо, мўйқалам ва оғу” деб “аниқ” таржима қилиб қўя қолади. Бу юзаки, саёз вариант инглизча сарлавҳанинг мазмуний ва шаклий яхлитлигига путур етказди, уни жозибасидан маҳрум этади. Мазмунга лоқайд сўзбоз-шаклбоз эса, мазмунга менсимай қараган ҳолда, аллитерация ўйинига маҳлиё бўлади-да, сарлавҳани “Қалам, қасам ва қасос”га ўхшаш бирор шаклда таржима қилади. Бунда нафақат мазмун ва шакл бирлиги, ҳатто маънонинг ўзи ҳам бой берилади. Уйдирмачи-импрессионист эса сарлавҳанинг оддий сўзларида ҳам сўз-образни кўриб, “Қаламу мўйқаламли оғу” деганга ўхшаш бирор нима ясайдики, бу ҳатто Уайльдининг тушига ҳам кирмаган бўлса керак. Сериштаҳа эклектик эса қуйидагича “тузатиш” киритади: оғу – қандайдир экзотик нарса экан, нега энди лўнда ва оҳангдор қилиб: “Қалам, кураре ва мўйқалам” деб таржима қилиб бўлмас экан?! Бугунги куннинг соғлом фикрли таржимонлари эса инглиз сарлавҳалари учун хос бўлган аллитерацияни қурбон берган, аммо маъно ва ритми, чунончи, сарлавҳанинг ифодавийлиги, дейлик, маънонинг кучайиб боришини сақлаган ҳолда “Мўйқалам, қалам ва оғу” дея содда ва аниқ ўгиради” [3. 487].

Кашкин қайдларида “натуралистик таржима”, “импрессионистик таржима” деган иборалар бот-бот учрайди. Шулар қаторида ишлатилувчи “реалистик метод” эса бир вақтнинг ўзида ҳам “аслиятга содиклик, ҳам ижодий ёндашув”нинг синоними бўлиб келади. Кашкин бу тушунчани ўша давр совет адабиёти расман эътироф этган (энг тараққийпарвар,

энг илғор ижтимоий формация маҳсули, деганга ўхшаш) формулалар сирасига олиб киришга интилади. Бунга, эҳтимол, асосий тушунча сифатида “усул” (“метод”) атамаси қўлланилиши сабаб бўлгандир. Чунки собиқ иттифоқ даврида улкан эстетик аҳамиятга эга бўлган ва таржимага оид мақолалар учун одатий бўлган мазкур тушунча фақат Кашкинга хос бўлмай, ундан ҳатто В.Брюсов ҳам фойдаланган эди (бу тушунча Шлайермахердан, яъни анча илгаритдан ишлатила бошлаган ва уни нафақат Россияда, балки дунёнинг бошқа мамлакатларида ҳам истифода этишган). Аммо буларнинг бари Кашкин мақолаларида унчалик ишончли янграмайди ва унинг қарашлари мағзини ташкил этмайди. Олим қарашлари, ҳеч бир шак-шабҳасиз, рус мумтоз адабиёти анъаналарига таянади.

“Реалистик таржима” тушунчаси ортидан баҳс-мунозара юзага келди (уларда Кашкин мутлақо иштирок этмади). Унда таржима принциплари (ёки “метод”лари)нинг бирор даврдаги ҳукмрон адабий принциплар (ёки “метод”лар)га муносабати асос қилиб олинди. Адабиёт тарихчилари, юқорида ҳам гувоҳи бўлганимиздек, классицизм даври таржимонларининг “ижодий эркинлик” тушунчаси билан шу давр (Францияда XVI–XVII асрлар, Россияда XVIII аср) эстетикасининг “идеал” тушунчасини, аслиятни максимал даражада яқин, ҳаттоки сўзма-сўз ўгириш билан романтизм эстетикасидаги (Германияда XVIII аср охири – XIX аср бошлари, Россияда XIX аср бошлари) “миллий рух” тушунчасини анча аввалдан қиёсий ўрганиб келар эди. Бироқ таржимон ижоди, гарчи у ҳам санъат қонуниятларига бўйсунса-да, аммо адабий – оригинал ижодга айнан ўхшамайди. Буни ҳатто классицизм ва романтизмга ўхшаш анча яққол ажралган, тугалланган даврлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Бошқа тилдаги асарни ўзича қайта “бичиб тикиш”, муаллиф шаънига менсимай қараш, таржимани ўз ўқувчисига “ёқтириш”га интилиш нафақат классицизм эстетикасида юксак мавқега кўтарилган, балки ўрта асрларда – дунёвий адабиёт



доирасида – таржима принципига ҳам айланган эди. Бошқа томондан эса, рус адабиётида романтизмнинг энг ёрқин вакили деб тан олинган Жуковский, ўз таржимонлик принциплари нуқтаи назаридан, немис романтизмига караганда классицизмга яқинроқ туради. Агар кўзга у қадар яққол ташланиб турмайдиган ёки реализм, натурализм, импрессионизм сингари ҳали якутини топмаган даврларни олиб кўрсак, “реализм”га ўхшаш тарихий-адабий тушунчаларни таржимага нисбатан кўр-кўрона қўллаш ўзини янада оқламайди.

Реалистик таржима концепциясида, агар уни метафора деб англамай, яхлит “метод” деб тушунсак (Кашкин бу тушунчани бир неча ўринда қулай “ишчи атама” деб тилга олади), албатта, муайян зиддият мавжуд. Агар унга сингдирилган “ҳаққонийлик” маъносидан келиб чиқилса (Кашкин буни энг муҳим деб ҳисобларди), у ҳолда “реалистик таржима” меъёрий қиммат касб этади – бундай таржима бошқа ҳар қандай таржимадан юксак, аъло саналади. Шу маънода, “реалистик таржима” – П.Вайнберг назария мақомига кўтарган “яхши таржима”, ёхуд барча учун таниш бўлиб қолган “адекват таржима”, ёинки А.Фёдоров таклиф этган “тўлақонли таржима” билан синонимдир. Агар уни тарихий-адабий йўналишлар ёхуд “метод”лар – реализм, романтизм, натурализм ва ҳоказоларга яқинроқ маънода тушунилса (Кашкин шундай тушунишга кескин қарши чиққан, лекин, бу, барибир, баҳс-мунозара мавзусига айланган эди), у ҳолда бир қанча таажжубли саволлар пайдо бўлади (романтизм асарини реалистик таржима қилиш мумкинми, реалист ёзувчи таржимада натуралист бўла оладими ва ҳоказо). Бу саволлар ортида аслиятни замонавий “реалистик” оҳангга солиб, қайта бичиб-тикиш истагига шубҳа билан қараш истаги йўқми?! Айни зиддиятни, қисман бўлса-да, И. Левий (у “реалистик таржима” атамасини қабул қилган ва бу атамадан фойдаланган), И.Резвин (у мазкур атамани буткул инкор этган) ва

Г.Гачечиладзе (у мазкур атамага аниқлик киритган) пайқаб қолди.

Кашкин қарашлари унинг ҳаётлик чоғида, айниқса, ўлимидан кейин жиддий баҳс-мунозараларга сабаб бўлди. Бу баҳс-мунозаралар Кашкин тортишувларда кескин бўлгани учунгина эмас (“Лингвостилистик турклар Шипкага ҳужум қилишда давом этипти...” [4. 451], балки кўпроқ бадиий таржима спецификаси масаласини аниқ-равшан ифодалаб бергани учун юзага келди. Зеро, мазкур масала илк бор фан олдига қўйилаётган эди (чунки таржиманинг бошқа турлари кенг контекстда назарий идрок этилмаган эди). Кашкин учун асос бўлиб хизмат қилган эътиқод шу эдики, бадиий таржимада лисоний шакл эмас, балки унга жо бўлган, сўзда гавдаланган образ, матн эмас, унга жо бўлган ва матнда муҳрланган ҳаётий воқелик муҳимроқ, устуворроқдир.

“Сўз ва матнга чуқур кириб боришдан мурод нима? Мурод – аслиятнинг борлигини имкон қадар тўлиқ англаш бўлиб, аслият борлиги эса муаллифни қуршаган воқелик унинг қалбидан ўтиб, бадиий аксланишидан юзага келади”, деб ёзади Кашкин [4. 459]. Бошқа бир ўринда эса бундай дейди: “Таржимон аслиятнинг илк саҳифалариданоқ ўзига ёт грамматик қурилмага тўқнаш келади, бундай вазиятда у ана шу тўсиқни ёриб ўтиб, муаллиф воқеликни тўғридан-тўғри идрок этишининг илк, бошланғич софлигигача етиб бормоғи лозим” [3. 469].

Баъзи олимлар айни тавсиялар аслият матнига илтифотсиз муносабатда бўлишни оқлайди ва ҳатто аслият матнини бузиш учун эркинлик беради деб ҳисоблаб, қаттиқ эътироз билдирдики, бу эътироз овози ҳозирда ҳам тингани йўқ. Ваҳоланки, Кашкиннинг таржимоннинг касб этикасига доир қарашлари ўзбошимчалик ғоясидан мутлақо йироқ эди. Бу ҳақда у мутгасил айтиб ҳам келарди (“Сен ёзмагансан, муаллиф ёзган, демак, ўз фаолиятининг ҳар бир босқичида, марҳамат қилиб, унга эргаш” [3. 503].



“Муаллиф идрокининг илк, бошланғич софлиги” дегани, аслида, “экстралингвистик омил”нинг энг муҳим қисми бўлиб, у шунчаки структур лингвистика формулалари эмас, санъат тили воситасида ифодаланган эди, холос. Буни ҳеч бир қийинчиликсиз бемалол англаб олиш мумкин эди. Аини чоқда, бошқа бир жиҳатни ҳам шундай осонгина англаб олса бўлар эди. И. Кашкинга қарши шунинг учун ҳам баҳс-мунозара авж олган эдики, у бадиий таржима спецификаси ҳақидаги лингво-стилистик концепциянинг энг заиф нуқтасини кўрсатиб берган эди.

И.Кашкин ва бошқа тадқиқотчилар сингари, ўша кезлар “реалистик таржима” тушунчасига мурожаат этган, бироқ Кашкиндан фарқли ўлароқ, бу тушунчани изчил назарий тизимга солишга интилган грузиялик олим Г. Гачечиладзе фикрлари ҳам шунга монанд кечди.

Гачечиладзе фикрича, кўп асрлик таржима тарихи шундан гувоҳлик берадики, бадиий таржима икки қутб ўртасида тебраниб туради. Булар сўзма-сўз аниқ, аммо эстетик тўлақонли бўлмаган таржима ва бадиий тўлақонли, бироқ оригиналдан узоқ, эркин таржимадир. Бунинг сабабларини – инсон лисоний фаолиятининг табиати ва спецификасидан, тилларнинг тузилиши ва улар ўртасидаги фарқлардан изламоқ керак. Аммо таржима бобида аниқлик билан бадиийлик ўртасида зиддият юзага келса, у ҳолда таржима назарияси бу зиддиятни ечишнинг диалектик йўлини топмоғи, унга барҳам бермоғи зарур.

Г.Гачечиладзе шу мақсадда “ўгирилаётган асарнинг бадиий воқелиги” деган тушунчани истеъмолга олиб кирди. Агар муаллиф қаршисида ўзи акс эттираётган воқелик турса, таржимон олдида эса ўгирилаётган асарнинг экс

эттириб бўлинган бадиий воқелиги туради. Бадиий асар таржимонининг аслият муаллифидан энг муҳим фарқи шундаки, унинг ижоди иккиламчи, яъни “ўгирилаётган асарнинг бадиий воқелиги” билан чегаралангандир. Муаллифнинг ижодида реал воқелик қандай роль ўйнаса, таржимоннинг ижодида бу бадиий воқелик ҳам худди шундай роль ўйнайди. Г.Гачечиладзе ўз қарашлари тизимини ленинча инъикос назариясига таянган ҳолда ишлаб чиқди. Ваҳоланки, бунга ҳеч қандай зарурат йўқ эди, зотан, бу олим қарашларини “оғирлаштириб”, кейинчалик эътибор топмаслигига сабаб бўлди. Г. Гачечиладзе реалистик таржимада “аслиятга абадий, чексиз яқинлашиш” омилини кўриб, бу ҳақда шундай деб ёзди: “Таржима ҳар доим ҳам аслият бадиий воқелигининг инъикоси, бироқ унинг таъсири ҳар қандай оригинал асардан кам эмас. Бадиий таржима назарияси, бизнингча, бадиий ижоднинг алоҳида тури назарияси сифатида ишлаб чиқилмоғи лозим. Реалистик таржима методини яратишга қўл урилар экан, аввало шуни эътиборда тутмоқ жоизки, бу метод таржимани аслиятни шакл ва мазмун бирлиги ўлароқ инъикос эттириш мақсадига қатъий бўйсундириши зарур”. Мазкур формулада “реалистик таржима” тушунчаси “мутаржимлик санъатининг олий намунаси” ўлароқ бирмунча меъёрий табиат касб этди [б. 253-254].

Қарашларидаги жиддий фарқлар (ва улар ўртасидаги баҳс-мунозараларга) қарамай, И.Кашкин ва Г.Гачечиладзе принциплари бир-бирига жуда яқин туради. Улар илгари сурган бадиий таржиманинг ижодий табиатига доир қарашлар ўша давр совет матбуотида чоп этилган кўплаб олимларнинг мақолаларида ҳам кўзга ташланади.

#### Адабиётлар:

1. Швейцер А.Д. Теория перевода. М., 1988.
2. Лилова А. Увод в общата в теория перевода. София.1991 (Лилова А. Введение вобщую теорию перевода. М., 1985.)
3. Кашкин И.А. Для читателя современника. Статьи и исследования. (изд. 2). М., 1977.
4. Мастерство перевода (1963). М.,1964.
5. Гачечиладзе Г.Р. Художественный перевод и литературные взаимосвязи. М., 1980.



*Мухамедов А. На пути создания теории реалистического перевода. Данная статья посвящается изучению теории реалистического перевода. Термин реалистический перевод стал широко использоваться в науке переводоведения в 60-х годах XX века. Концепция была представлена и введена в использование учеными И.Кашкиным и Г. Гачечиладзе, и оставила значительный след в развитии советской и узбекской теории переводоведения.*

*Mukhamedov A. Towards the development of theory of realistic translation. The article analyzes the role and significance of the “theory of realistic translation” which began to be widely used in translation science in the 60-th of the XX century. The concept was introduced and developed by such scientists as I. Kashkin and G. Gachechiladze and left its significant mark on the development of former Soviet and Uzbek translation theories.*